

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“Ўзбекистон ипотекани қайта
молиялаштириш компанияси”
акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг
2026 йил 06 мартдаги қарори билан

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”
Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар
миллий агентлиги

Жамият Кузатув кенгаши раиси
Каршибаев Жасур Ҳазраткулович

Директорнинг биринчи ўринбосари



В.Ю.Нак



“ 8 ” май 2026 й. Р0912-2-сон

ОБЛИГАЦИЯ ДАСТУРИ

“ЎЗБЕКИСТОН ИПОТЕКАНИ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ушбу чиқарилишдаги облигация дастурининг давомийлиги давлат рўйхатидан
ўтказилганидан сўнг **730 (етти юз ўттиз)** календар кун.

Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, фоизли, корпоратив
облигациялар

Облигация дастури ушбу чиқарилиши II (иккинчи) чиқарилишдир.

Тасдиқланган “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси”
акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2026 йил 06 мартдаги 3 - сон Баённома
асосида, “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик
жамияти Кузатув кенгашининг қарори.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон
почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ
кўчаси, Ҳалқаро Хамкорлик Маркази 107Б-уй, 14А / +99878 148 30 00 /
info@uzmrc.uz / www.uzmrc.uz

Бош ижрочи директор

Фарманов Муроджон Жабборович

Бош бухгалтер

Шоймарданов Бахтиёр Бахриддинович



2026 йил “__” март



(қорғас)
С.С.С.С.С.С.

(қорғас)
Ш.Ш.Ш.Ш.Ш.

<p>1. Жойлаштириладиган облигациялар номинал қийматлари ва уларнинг умумий суммаси: (Облигация дастури доирасида жойлаштириладиган облигацияларнинг номинал қийматлари ва уларнинг умумий суммаси кўрсатилади.)</p>	<p>Облигация дастури доирасида жойлаштириладиган облигациялар номинал қиймати 1 000 000 (бир миллион) сўми ташкил этади. Облигациялар сони 2 000 000 (икки миллион) донани ташкил этади. Жойлаштириш учун облигацияларнинг умумий суммаси 2 000 000 000 000 (икки триллион) сўми ташкил этади.</p>
<p>2. Облигация дастурининг амал қилиш муддати (Облигация дастури доирасида облигациялар жойлаштирилиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади.)</p>	<p>Облигация дастурининг амал қилиш муддати 2 йил.</p> <p>Облигация дастури доирасида чиқариладиган облигацияларни жойлаштириши муддати – облигациялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 90 кун муддат ичида жойлаштирилади.</p>
<p>3. Облигация муомала муддати (Облигация дастури доирасида жойлаштирилган облигацияларнинг муомала муддати кўрсатилади)</p>	<p>Облигация дастури доирасида жойлаштириладиган облигацияларнинг муомала муддати 3 (уч) йилдан 10 (ўн) йилгача ташкил қилиши мумкин.</p>
<p>4. Облигация дастури доирасида жойлаштирилиши мумкин бўлган облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари</p>	
<p>4.1. Эмитентнинг ихтиёрига кўра, облигация эгасининг эмитентдан белгиланган муддатда облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мол-мулк эквивалентини олиш ҳуқуқи кўрсатилади, шунингдек облигация бўйича фоиз ёки бошқа мол-мулкни олиш ҳуқуқи ҳам кўрсатилиши мумкин. (Облигация дастури доирасида жойлаштириладиган облигацияларга таъминот берилган ҳолларда, ушбу таъминотдан келиб чиқадиган облигация эгалари ҳуқуқлари кўрсатилади. Шунингдек, облигациялар бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, таъминланган облигация бўйича ҳуқуқлар эгасига (сотиб олувчига) гаров таъминотидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқлар ўтиши ва таъминотдан келиб чиққан ҳуқуқларни облигацияга бўлган ҳуқуқларни ўтказмасдан туриб бериш ҳақиқий эмаслиги кўрсатилади.)</p>	<p>Дастур доирасида чиқарилаётган ҳар бир облигация ўз эгаларига бир хил ҳуқуқларни беради.</p> <p>Облигациялар бўйича таъминот кўзда тутилмаган.</p> <p>Ушбу чиқарилишдаги облигациялар эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:</p> <ul style="list-style-type: none"> – Эмитентнинг ушбу дастур шартларига асосан белгиланган муомала даври якунида ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматида пул миқдорини олиш; – Эмитентдан ушбу дастур шартларига асосан белгиланган оралиқ даврлар якунида ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматига нисбатан ҳисобланган фоизли даромадларни олиш; – Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида муддатидан олдин эмитент томонидан облигацияларни ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматида қайтариб сотиб олишни талаб қилиш. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий

	<p>веб сайтида (www.uzmfgc.uz) қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор этилади. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаргани ҳақидаги маълумот ошкор этилмаган тақдирда эмитентдан бундай маълумотни тақдим этишни талаб қилиш;</p> <p>– Эмитентнинг облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, эмитент томонидан облигацияларни ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматида қайтариб сотиб олиниши ва ушбу қарор шартларида белгиланган тартибда ҳисобланган фоизни талаб қилиш. Эмитентнинг облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтида қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор этилади;</p> <p>– Иккиламчи фонд бозорида мазкур корпоратив облигацияга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан нархда ўзига тегишли корпоратив облигацияларни облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор шартларига асосан исталган вақтда учинчи шахсга сотиш ва қайта сотиб олиш, ёки қонун ҳужжатларда белгиланган бошқа йўллар билан бошқа шахсга бериш;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.</p>
<p>4.2. Агар облигациялар муомаласида бошқа чекловлар мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда ушбу облигацияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва уларнинг ўтиши билан боғлиқ хусусиятлар кўрсатилади.</p>	<p>Ушбу облигациялар муомаласида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳоллардан ташқари ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас.</p>
<p>5. Облигациялар бўйича тўловлар ва даромадларни тўлаш тартиби ҳамда шартлари:</p>	

<p>5.1. Облигацияларни сўндириш шакли: <i>(Облигацияларни қайтариш шакли (нақд пул, мол-мулк), шунингдек облигация эгаларига қайтариш шаклини танлаш имконияти ва шартлари кўрсатилади. Агар облигациялар мулк билан қайтарилса, бу мулк ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади).</i></p>	<p>Облигациялар сўндирилиши фақат нақдсиз пул восита орқали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.</p>
<p>5.2. Облигацияларни сўндириш тартиби ва шартлари:</p> <p><i>(Эмитентнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан облигация дастури доирасида чиқариладиган облигацияларни сўндириш бўйича тўловлар тартиби ва шартлари белгиланишида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади)</i></p> <p><i>(облигацияларни сўндириш муддати (санаси) ва уни аниқлаш тартиби)</i></p> <p><i>(облигацияларни сўндириш тартиби ва шартлари)</i></p>	<p>Корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига тегишли облигацияларнинг эгалари ўзларига тегишли облигацияларга тўлиқ сўндириш санасигача эгалик қилиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Облигациялар муомаласи даврининг охириг кунидан кейинги кун облигациялар дастури доирасида чиқарилган облигацияларни сўндириш санаси ҳисобланади.</p> <p>Облигацияларни сўндириш санасига Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестри асосида тўловлар амалга оширилади, бунда пул маблағлар тўлов агенти орқали облигация эгаларига тўлаб борилади.</p> <p>Мазкур реестр Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсидан сўндириш кунидан 5 (беш) иш кунини давомида олинади.</p> <p>Пул маблағларини қайтариш муддатлари Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестри олинган кунидан бошлаб 3 (уч) иш кунини давомида амалга оширилади. Тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.</p> <p>Облигациялар эгалари реестрида акс эттирилган облигация эгаларининг рекузитлари ҳаққонийлиги юзасидан (хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқалар) эмитент жавобгар бўлмайди.</p>
<p>5.3. Ҳар бир облигация бўйича тўланадиган даромадни аниқлаш тартиби</p>	<p>Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромад муомала муддати давомида ҳар бири 3 ойлик муддатда тўланадиган оралиқ даврлар учун ҳисобланади ва</p>

<p><i>(Даромад миқдори ва уни аниқлаш тартиби, жумладан ҳар бир купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ва уни аниқлаш тартиби кўрсатилади).</i></p> <p><i>(Агар облигациялар бўйича даромад белгиланган даврлар (купон даврлари) бўйича тўланиши назарда тутилаётган бўлса, қўшимча равишда бундай даврлар ва уларни аниқлаш тартиби, шунингдек ҳар бир ёки алоҳида купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ва уни аниқлаш тартиби кўрсатилади).</i></p>	<p>тўланади.</p> <p>Бунда облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш оралиқ даврларнинг якунига ўрнатилган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестрига асосан амалга оширилади.</p> <p>Облигация дастури доирасида чиқариладиган облигациялар ҳар бири алоҳида траншлар асосида чиқарилиши кўзда тутилган бўлиб, облигацияларни чиқариш тўғрисидаги Қарорда купон даврлари оралиғида тўланадиган даромад миқдори белгиланади</p>
<p>5.4. Облигациялар бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддати.</p> <p><i>(Облигациялар бўйича даромадни тўлаш муддати ва уни аниқлаш тартиби кўрсатилади).</i></p> <p><i>(Агар облигациялар бўйича даромадни пулдан ўзга воситалар билан тўлаш кўзда тутилган бўлса, облигациялар бўйича даромадларни пулсиз тўлаш (ўтказиш) тартиби ҳам кўрсатилиши мумкин).</i></p>	<p>Облигациялар бўйича даромадлар ҳар бир оралиқ давр учун тўланадиган фоизли даромадлардан иборат.</p> <p>Облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан ҳар бир оралиқ даврнинг охири куни якунига кўра шакллантирилган облигациялар эгалари реестри олинади.</p> <p>Облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестрида қайд этилган маълумотлар асосида, тўлов агенти орқали тўланади.</p> <p>Облигациялар эгалари реестри ёпилган кундан фоизли даромадлар тўлови реестрда қайд этилган облигация эгаларига уларнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги реквизитларига 3 (уч) иш куни мобайнида амалга оширилади.</p> <p>Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича фоиз даромадларининг тўлов графиги эмитентнинг расмий веб сайтида (www.uzmrc.uz) облигацияларни жойлаштиришни бошлаш санасида ошкор этилади.</p> <p>Облигациялар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли даромадлар билан боғлиқ ахборот Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтида (www.uzmrc.uz) қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор этилади.</p> <p>Эмитент фоизли даромадларни тўлаш</p>

	<p>учун олинган реестрида облигация эгасининг банк реквизитлари тўлиқ ва/ёки ахборот аниқ бўлмаслиги (ҳисоб рақами, банк коди ва бошқалар) сабабли ҳисобланган фоиз даромадининг тўлови кечиктирилиши, шунингдек бундай кечиктиришнинг оқибатлари юзасидан жавобгар бўлмайди.</p> <p>Облигациялар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли даромадлар тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтига (www.uzmrc.uz) жойлаштириш орқали ошкор этилади.</p>
<p>5.5. Облигацияларни муддатидан олдин қайтариб сотиб олиш тартиби ва шартлари.</p> <p><i>(Облигацияларни муддатидан олдин қайтариб сотиб олиш шартлари (қийматни аниқлаш тартиби), облигацияларни эмитент томонидан ёки облигация эгалари томонидан эртароқ тўлаш талабини ўз ичига олган аризаларни йўллаш (муддатни белгилаш тартиби), эмитент томонидан облигацияларни муддатидан олдин қайтариб сотиб олиш шартлари ва натижалари ҳақида ахборотни ошкор қилиш (тақдим этиш) тартиби, шунингдек эмитентнинг ёки облигация эгалари талабига биноан муддатидан олдин амалга ошириш ҳолатига кўра белгиланган бошқа шартлар кўрсатилади).</i></p>	<p>Муддатидан олдин сўндириш ҳар бир облигация эмиссияси бўйича алоҳида кўриб чиқилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида облигация эгасининг талабига асосан; - Эмитентнинг облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда. <p>Эмитент облигацияларни муддатидан олдин сўндиришида Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига облигацияларни ҳаракатсизлантириш ҳамда ҳаракатсизлантириш санасига облигациялар эгалари реестрини тузиш бўйича топшириқнома беради.</p> <p>Бунда облигация эгалари маблағлар ўтказилиши лозим бўлган ўзларининг хизмат кўрсатувчи банклардаги асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари кўрсатилган ҳолда маблағларни қайтарилиши тўғрисида ариза билан эмитентга мурожаат қилишлари лозим.</p> <p>Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги аризалар эмитент томонидан тегишли ахборот ошкор қилинган санадан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида қабул қилинади</p> <p>Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш мажбуриятлари вужудга келганлиги тўғрисидаги расмий хабар эълон қилинган кундан бошлаб, Эмитент ушбу чиқарилган облигациялар бўйича</p>

	<p>фоиз даромадларини ҳисоблашни тўхтатиб туради.</p> <p>Бу ҳолатларда эмитент облигация эгаларига облигация номинал қийматини ҳамда облигациялар бўйича ҳисобланган фоиз даромадларини ариза олинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун ичида тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.</p> <p>Қайта сотиб олиш тўғрисида ариза бермаган облигациялар эгалари ўзларига тегишли облигацияларни мазкур облигациялар чиқарилишининг мазкур Қарорида кўрсатилган муомала муддати тугаганидан кейин сўндириш ҳуқуқига эга.</p> <p>Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтига (www.uzmfc.uz) жойлаштириш орқали ошкор этилади.</p>
<p>5.6. Облигациялар бўйича тўлов агентлари тўғрисидаги маълумотлар.</p> <p><i>(Тўлов агентлари ҳақидаги маълумотлар (шу жумладан, эмитент томонидан қўшимча тўлов агентларини тайинлаш ва бундай тайинлашларни бекор қилиш имконияти, шунингдек бундай ҳаракатлар ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш тартиби) кўрсатилади). (Агар облигациялар бўйича қайтариш ва (ёки) даромадларни тўлаш (ўтказиш) учун тўлов агентларини жалб қилиш кўзда тутилган бўлса, ҳар бир тўлов агентлари бўйича қуйидагилар кўрсатилади). (тўлов агентларининг тўлиқ ва қисқартирилган (агар мавжуд бўлса) ташкилот номлари, жойлашуви ва давлат рўйхатидан ўтказилган рақами). (тўлов агентининг эмитент билан тузилган шартнома асосидаги мажбуриятлари).</i></p>	<p>«ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ («Қимматли Қоғозлар Марказий Депозитарийси» АЖ), Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 107, +998(71)2673742, +998(71)2673592, info@uzcsd.uz, www.uzcsd.uz.</p> <p>Қимматли қоғозлар бўйича даромадларни (дивидендлар, фоизлар) тўлаш, қимматли қоғозлар ва пул маблағлари қийматини тўлаб бериш бўйича комплекс ҳизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага асосан эмитентнинг тўлов агенти ҳисобланади.</p>
<p>6. Облигациялар дастури доирасида жойлаштирилган облигациялар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга доир маълумотлар:</p>	

<p>6.1. Облигациялар бўйича мажбуриятларни бажариш учун таъминот берган шахс тўғрисидаги маълумотлар. <i>(Агар облигация дастури облигацияларни жойлаштириш доирасида таъминот тақдим этилишини назарда тутаётган бўлса, ҳар бир таъминот берувчи шахс бўйича уларнинг тўлиқ ва қисқартирилган (агар мавжуд бўлса) номлари (нотижорат ташкилотлари учун — номи) ва жойлашган манзили, шунингдек жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш манзили кўрсатилади.)</i> <i>(Облигациялар бўйича таъминот берувчи шахснинг молиявий ва хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш мажбурияти мавжудлиги кўрсатилади).</i></p>	<p>Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот кўзда тутилмаган.</p>
<p>6.2. Облигациялар бўйича мажбуриятларни бажаришни таъминлаш шартлари.</p>	<p>Облигациялар дастури доирасида чиқариладиган облигациялар бўйича мажбуриятларини бажариш шартлари облигацияларни чиқариш тўғрисидаги Қарор билан алоҳида белгиланади.</p>
<p>7. Облигациялар дастури доирасида чиқариладиган облигацияларни жойлаштириш шартлари: <i>(Облигациялар дастурида доирасида чиқариладиган облигацияларни жойлаштириш шартларида облигациялар жойлаштириш усули, облигацияларни жойлаштириш тартиби, нархи ва облигацияларни жойлаштириш нархини аниқлаш тартиби, облигациялар тўловининг шартлари ва тартиби қўшимча равишда кўрсатилади.)</i></p>	<p>Облигациялар дастури доирасида чиқариладиган облигациялар ҳар бири алоҳида траншлар асосида чиқарилиши кўзда тутилган.</p> <p>Ушбу чиқарилишдаги облигациялар қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси орқали савдо қоидаларига асосан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда битим тузиш йўли билан жойлаштирилади.</p> <p>Ушбу дастур доирасида чиқариладиган облигациялар (очиқ ёки ёпиқ обуна йўли билан) жойлаштирилиши, ҳар бир чиқарилув қарорида инобатга олинади.</p> <p>Облигацияларни жойлаштириш бўйича хизматлар андеррайтер (андеррайтер гуруҳи) жалб қилган холда амалга оширилади.</p> <p>Облигацияларни жойлаштириш нархи ҳар бир оралиқ жойлаштириш даврининг биринчи кунда битта облигациянинг номинал қийматига тенг. Ҳар бир шундай оралиқ даврнинг иккинчи иш кунидан бошлаб облигациялар номинал қиймати</p>

	<p>бўйича ҳисобланган фоизли даромад (ҲФД) қўшилган ҳолда сотилади.</p> <p>ҲФД қуйидаги формула асосида аниқланади:</p> $\text{ҲФД} = \text{Nom} * \text{C}(\%) * ((\text{T}+2 - \text{T}_i) / 365),$ <p>бунда</p> <p>ҲФД – Ҳисобланган фоизли даромад, сўм; Nom – бир дона облигациянинг номинал қиймати C(%) – фоизли даромад ставкаси T+2 – облигациялар жойлаштирилган (олди-сотти битим) санасидан иккинчи иш куни; T_i – облигацияларнинг муомала даври бошланиш санаси.</p> <p>Облигациялар учун тўлов нақдсиз ҳисобкитоблар орқали Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигида (сўмда) қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси қоидаларига мувофиқ пул маблағлари билан амалга оширилади. Облигациялар бўйича пул бўлмаган воситалар билан тўловлар кўзда тутилмаган.</p> <p>Облигациялар учун пул бўлмаган воситалар ва мол-мулк шаклида тўлаш кўзда тутилмаган.</p> <p>Жамиятнинг номи: “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ Хисоб рақам: 21508 000 9 05141951 007 Банк коди: 00014 Банк номи: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар ХКМ</p>
<p>8. Бошқа маълумотлар:</p>	<p>Ушбу дастур доирасида облигациялар бир нешта серияда (траншда) чиқарилиши кўзда тутилган.</p> <p>Облигациявий дастур доирасида жойлаштириладиган облигациялар бўйича мажбуриятлар мол-мулк гарови, учинчи шахслар кафолати ёки бошқа турдаги кафолатлар билан таъминланмаган.</p>

Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси”
акциядорлик жамияти

Тикилган, рақамланган ва муҳрланган

9 (тўққиз) барак

Бош ижрочи директор _____ М.Ж. Фарманов

Б.Б. Шоймарданов

Бон-бухгалтер

